

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
*УДК: 37.034:378*

**АЗИМОВА Насиба Эргашовна**

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИНИ МАЪНАВИЙ-  
АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**  
(Педагогик йўналишдаги фанларни ўқитиш мисолида)

**13.00.08 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш  
учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент – 2012**

Иш Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институтида  
бажарилган

Илмий раҳбар: педагогика фанлари номзоди, доцент  
**Ширинбой Шарофович Олимов**

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори, профессор  
**Зухра Карабаевна Исмаилова**

педагогика фанлари номзоди, доцент  
**Дилфуза Абдухалиловна Зоҳидова**

Етакчи ташкилот: **Наманган муҳандислик-педагогика институти**

Ҳимоя Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
хузуридаги К.067.18.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил «\_\_\_\_»  
\_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103-уй.  
Тел: 254-92-02, Факс: 215-54-18, e-mail: tgpu\_info@.edu.uz

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, педагогика  
фанлари номзоди, доцент

**Р.Г. Муллахметов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимиз халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – бу озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Албатта, ушбу ғояни амалга оширишда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий йўналишларни ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутади. Ушбу йўналишларни ривожлантириш эса бугунги кунда тайёрланаётган кадрларга боғлиқ бўлиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг шахсан ташаббуси билан кейинги йилларда таълим тизимига берилаётган катта эътибор ва яратилаётган шарт-шароитлар келажак авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиши учун асосий заминдир. Юртбошимиз асосий вазифамиз «...мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат»<sup>1</sup>, эканлигига алоҳида эътибор қаратганлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий кадриятларига асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маънавий-маърифий ишлар такомиллаштириб борилади»<sup>2</sup>, - деб таъкидланади. Шунингдек, ушбу дастурда маънавий-ахлоқий баркамол мутахассисларни тайёрлашда «Халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш»га эътибор бериш зарурлиги кўрсатилади.

Олий ўқув юртларида ўқитилаётган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг айниқса, педагогик циклдаги фанларнинг мазмунида миллий истиқлол ғояси ва демократия, миллий ва умуминсоний кадриятлар негизида миллий ва илмий дунёқарашни, юксак маънавият ва демократик маданиятни, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижодий тафаккурни, эътиқоди ва ижтимоий-сиёсий фаолликни бир сўз билан айтганда касбий эҳтиёжни шакллантириш лозимлиги асосий вазифа қилиб қўйилган. Ёшлар онгида маънавий кадриятларни ривожлантириш, аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш, маънавий тикланишнинг ижобий, бунёдкорлик моҳиятини кучайтириш, маънавий бой шахс шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, таълим олувчиларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни, ифтихор ва инсоний кадр-қиммат туйғусини

<sup>1</sup>. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000.- 25 бет.

<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997.- 8-бет.

шакллантириш, талабаларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш, уларда фуқаролик ҳиссини шакллантириш, мустақил ҳаётга тайёрлаш каби йўналишлар уларни аввало маънавий-ахлоқий тарбиялаш билан боғлиқ. Албатта, бунда талаба-ёшларда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий йўналишларини шакллантирмасдан ҳақиқий касб эгасини тарбиялаб бўлмайди. Ўз касбига содиқ, маҳоратли инсонларни тарбиялаб етиштиришни жамият тақозо қилмоқда. Чунки, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғоя эканлигини ҳар бир талаба чуқур ҳис этиши ва уни мустаҳкамлашда фаол иштирок этиши энг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, талаба-ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларга маънавий-маърифий билимлар бериш, кўникма ва малака ҳосил қилиш муҳим масалалардан биридир. Бу соҳада маълум иш тажрибалар тўпланган ва ушбу йўналишдаги ишларда баъзи бир камчиликлар ҳам аниқланган бўлсада, муаммонинг педагогик ечими таълим-тарбия назариясида етарлича ўз ифодасини топгани йўқ.

Олий таълим талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнини ташкил этиш бўйича ягона, изчил бир тизим ишлаб чиқилмаган. Ушбу соҳани шакллантиришга оид махсус адабиётлар етарли эмас.

Педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларини иш фаолиятини ўрганиш натижалари талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда баъзи бир муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Шу боис, тадқиқотимизда, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммосини ёритишга, унинг илмий-педагогик асосларини яратишга эътиборни қаратдик.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ҳар бир даврда жамиятнинг асосий вазифаси бўлиб келган. Чунки, ахлоқий пок, шахси гўзал бўлган халқнинг маънавияти ҳам юксак ҳисобланган. Шунинг ҳам эътирофи этиш жоизки, ўзбек халқи азалдан ўзининг маънавияти ва маданияти билан жаҳонга машҳурдир. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби Ўрта Осиё мутафаккирлари халқимизнинг маданиятини ривожлантиришга, маънавиятини бойитишга улкан ҳисса қўшганлар. Улар яратган асарларида инсонни орифлик, фозиллик, комиллик даражасига етказишнинг мақсад ва вазифаларини аниқ ифодалаб берганлар. Буюк аждодларимизнинг бебаҳо асарлари маънавиятимизнинг асоси ва ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг негизи ҳисобланади.

Ўқувчи-ёшларнинг маънавиятини шакллантириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, ҳамда ахлоқий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари О.Мусурмонова, Ш.Қурбонов, У.Маҳкамов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Н.Ортиқов, М.Қуронов, Ж.Ҳасанбоев, М.Очилов,

К.З.Зарипов, Ш.Шодмонова, Д.Рўзиева, Ш.Ш.Олимов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари Р.Ҳ.Джураев, П.Т.Магзумов, У.Н.Нишоналиев, Н.Саидахмедов, Ў.Қ.Толипов, А.Р.Ходжабоев, Э.Т.Чориев, У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, З.К.Исмоилова, А.А.Абдуқодиров, Х.Ф.Рашидовлар томонидан тадқиқ этилган. Илмий тадқиқотларни олиб бориш ва бу борадаги иш тажрибаларни кузатиш натижаси бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммоси илмий-назарий жиҳатдан махсус ўрганилмаганлигини кўрсатди. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини яратиш қонуниятлари педагогика фани назариясида етарли даражада ўрганилмаган. Бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллиги туфайли миллий тарбия жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммоларини ечиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Дарҳақиқат, мустақиллик шароитида янги методологик асосда шахсга ички ва ташқи таъсир қилиш, унинг ижтимоий моҳияти, фаолиятининг тузилиши, ўз-ўзини англаш асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам биз, диссертация мавзусини «Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси» (Педагогик йўналишдаги фанларни ўқитиш мисолида) деб белгиладик.

**Диссертация ишининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” йўналишидаги фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналиши бўйича Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институтида амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари дастури асосида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг назарий-методик асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга оид услубий тавсиялар яратиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

1. Касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашни педагогик муаммо сифатида илмий-назарий жиҳатдан асослаш.
2. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологиясини ишлаб чиқиш.
3. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш моделини ишлаб чиқиш.
4. Тадқиқот натижаларининг самарадорлигини педагогик тажриба-синов жараёнида аниқлаш.
5. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти:** бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёни.

**Тадқиқот предмети:** бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнининг мазмуни, самарали шакл ва методлари, воситалари.

**Тадқиқот методлари:** сиёсий, фалсафий, тарихий, этнографик, педагогик, психологик ва маънавиятга оид илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш; педагогик кузатув, суҳбат, анкета сўровлари; тестлар, тажриба-синов; мониторинг, математик-статистик таҳлил; тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

**Тадқиқотнинг методологик асоси:** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларидаги истиқлол ва маънавият, таълим-тарбияга оид назарий фикрлар, Шарқ мутафаккирлари ва Республикамиз олимларининг маънавият, маърифат, ахлоқ ва комил инсон тўғрисидаги таълимотлари диссертациянинг методологик асосини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий фарази:** бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёни самарали кечади, агарда:

- бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёни илмий педагогик жиҳатдан таҳлил этилиб, унинг омиллари аниқ белгиланса;
- бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси ишлаб чиқилса ва унинг имкониятлари тўла очилса;
- маънавий-ахлоқий тарбиялашда Марказий Осиё мутафаккирларининг илғор ғоялари, халқ педагогикаси, миллий урф-одат ва анъаналардан кенг фойдаланилса;
- бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари, методлари, воситалари белгиланиб, унинг яхлит тизими яратилса;
- касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг илмий-услубий ва амалий тавсиялари ишлаб чиқилса юқори натижага эришиш мумкин.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

1. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш педагогик муаммо эканлигининг илмий-педагогик таҳлили.
2. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси, шакл ва методлари.
3. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш модели.
4. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасини аниқлаш мезонлари.

5. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашга доир илмий-услубий тавсиялар ва амалий хулосалар.

**Ишнинг илмий янгилиги:** бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш долзарб педагогик муаммо эканлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланди; касб таълими ўқитувчисини шахси ва уларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги ўрни педагогик жиҳатдан таҳлил этилиб, унинг мазмун-моҳияти ёритилди; бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни, шакл ва методлари аниқланди; бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш методикаси ишлаб чиқилди ва тажриба ишларида синовдан ўтказилди; бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган умумпедагогик ва методик тавсиялардан узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида, ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида ва уни такомиллаштиришда, ўқув муассасаларида маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари машғулотларида, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида, таълим-тарбия, ахлоқ, маънавият муаммоси билан шуғулланувчи педагог, тарихчи, файласуф, руҳшунос каби олимлар ҳамда халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар кенг кўламда фойдаланишлари мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Бухоро давлат университети илмий-амалий конференцияларида ва педагогика ва психология кафедраси йиғилишларида, вилоят, республика миқёсидаги илмий-амалий семинар, конференцияларда, Бухоро, Жиззах, Қарши шаҳарларидаги олий ўқув юртлари фанлар бўйича методик бирлашмалар йиғилишларида муҳокама қилинди. Шунингдек, тадқиқот натижалари Бухоро, Жиззах, Қарши шаҳридаги тегишли ўқув юртлари фаолиятида, муаллифнинг ўқитувчилик фаолиятида ҳамда эълон қилган ишларида ўз тадбиқини топди.

**Ишнинг синовдан ўтганлиги.** Тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатлари Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети ва республиканинг бошқа олий таълим муассасаларида ўтказилган илмий-амалий конференцияларида ўқилган маърузаларда оммалаштирилиб борилди. Тадқиқотнинг асосий мазмуни «Халқ таълими», «Узлуксиз таълим», «Педагогик маҳорат», «Касб-хунар таълими» журналларида чоп этилган илмий мақолалар ёрдамида педагогик жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, тадқиқот натижалари «Касб таълими

ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси» номли монографияда ёритилди.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот ишининг асосий натижалари муаллиф томонидан чоп этилган 15 та илмий иш (шулардан 1 таси монография, 1 таси услубий қўлланма, 5 таси илмий журналлар ҳамда 8 таси илмий-амалий конференция тўпламларидаги мақолалар)да ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, 8 та параграф, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг асосий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, методлари, янгилиги, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, натижаларнинг илмий ва амалиёти, жорий қилиниши каби масалалар ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг назарий асослари»** га бағишланган бўлиб, унда мустақиллик шароитида бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш ижтимоий зарурият эканлиги, маънавий-ахлоқий тарбиянинг моҳияти ва вазифалари ёритилган.

Маънавият-маърифатдан бошланади. Маърифатнинг асосини эса таълим-тарбия ташкил этади. Таълим-тарбиясиз маънавий дунёқарашни шакллантириш мураккаб.

Жамиятни сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маданий ривожланиши аввало инсонга, унинг маънавий-маърифий шаклланганлигига боғлиқ. Шу ўринда шуни эътироф этиш жоизки ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий, маданий, сиёсий тараққиёти инсон ақл-заковати, тафаккури, онги, иродаси, ижтимоий фаоллиги, унинг маънавияти, қарашлари, ахлоқий-эстетик билимлари, ички руҳий кечинмалари ва ҳаёт мазмунининг асосини ташкил этади. Ўз мақсади, вазифалари, келажаги орзу-умидларини олдиндан белгилаб ололмаган, унинг амалий йўллари, усуллари, воситаларини аниқ тушуниб етмаган жамият ҳеч қачон юксакликка кўтарила олмаганидек, маънавий бойликка эга бўлмаган инсон ҳам баркамол шахс бўла олмайди, ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнига фаол иштирок эта олмайди.

Маънавият тушунчасига Республика Президенти И.А.Каримов чуқур ва атрофлича, олдинги тажрибаларни умумлаштирган ҳолда ўзининг «Юксак маънавият - енгилмас куч» китобида шундай таъриф беради: «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички

дунёси, иродасини бақувват, иймон эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»<sup>1</sup>.

Маънавиятнинг моҳияти ақл-заковат, идрок тафаккур, одамийлик фазилатлари - дадиллик, жасорат, ғамхўрлик, қайғуриш, дид, фаросат каби маънавий-ахлоқий сифатлар келтириб чиқарилиб, бундай хусусиятларга эга бўлиш ҳар бир давр халқи ва миллатининг орзу-умиди, мақсадини ифодаланганлиги кўрсатилган. Ва бундай маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган ҳар қандай инсон - миллат учун, меҳнаткашлар ҳаёти ва унинг қайғурган ахлоқ-одобини яхшилашга интилган ва халқ, миллат, давлат манфаатини ўз манфаатидан устун қўйишга ҳаракат қилган.

Миллий мустақиллик талабларидан келиб чиқиб, маънавиятнинг моҳият-мазмунини «маънавий-ахлоқий баркамол инсонни тарбиялаш» тушунчасининг ижтимоий педагогик моҳиятини очиб берувчи таърифлар яна кўплаб яратилар. Шунга асосан «Маънавият - инсоннинг ақл-заковати, рухий баркамоллиги, ахлоқий салоҳиятини акс эттириб, унинг дунёқарашида намоён бўлувчи, ижтимоий-иқтисодий ҳаётга фаол иштирокчи сифатида тайёрловчи, кишиларнинг қобилияти, истеъдодини, тажрибасини умумлаштирувчи кучдир, - деб таърифласак хато бўлмайди.

Ахлоқ, маънавият тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлиб, у ижтимоий онг шаклларида биридир. Ахлоқ ёшларда ҳалоллик, поклик, бурч, виждон, олижаноблик, фидойилик каби фазилатларни шакллантиради. Ахлоқ инсонларнинг ўзига, оиласига, яқинларига, дўсту ёрларига бўлган муносабатларини тартибга солиб турадиган хулқ-атвор меъёрларининг (нормаларининг) мажмуасидир.

Ахлоқ дунёни билишнинг ўзига хос усули бўлиб, кишилар хулқ-атворини яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан тартибга солади. Ахлоқ инсон учун ниҳоятда муҳим ҳисобланган хулқ-атвор нормаларини шакллантириб, ижтимоий ҳаёт, инсон маданий ҳаёти, ижтимоий қадриятлар дунёсига тўғри ёндашиш вазифасини бажаради.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, «Маънавият» ва «ахлоқ» тушунчалари бир-бирига яқин ва бир-бирини тўлдиради. Бу тушунчалар ўзаро уйғунлашиб, инсоннинг барча ижобий сифатларини, ахлоқ-одобини, эътиқодини, ақл-заковатини, мафкуравий қарашларининг узвий боғлиқлигини англатади. Шунинг учун ҳам, биз ушбу иккала сўзни бирлаштириб “маънавий-ахлоқий тарбия” деб атаймиз. Шахснинг маънавий-ахлоқий сифатлари тарбия ёрдамида инсонга сингдирилади.

Маънавий-ахлоқий тарбия ўз замирида маънавий ва ахлоқий тушунчаларни мужассамлаштирган ҳолда киши онгини жамият, табиат билан алоқадорлиги, кишиларнинг жамият олдидаги бурчини, хулқ-

<sup>1</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.- 19 бет.

атворини, жамиятга таъсирини белгилайдиган ижтимоий ҳодисадир. Маънавий-ахлоқий тарбия мазмунида ақл-фаросат, илму-одоб, хушфеъллик, поклик, ҳалоллик, виждонлилик, меҳнатга муҳаббат, Ватанга садоқат каби ижобий инсоний фазилатлар ётади.

Маънавий-ахлоқий тарбия қуйидаги функцияларни бажаради:

- кишиларнинг жамиятга бўлган ижобий муносабатини шакллантириш;
- онгли интизомни тарбиялаш;
- комил инсонни тарбиялаш;
- жамиятдаги салбий иллатларга нафрат ҳиссини уйғотиш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиси маънавий-ахлоқий тарбияси моҳиятининг назарий асосларидан келиб чиқиб, унинг таърифини белгилашга ҳаракат қилдик. Яъни, бўлажак касб таълими ўқитувчиси маънавий-ахлоқий тарбияси – бу мустаҳкам маънавий-ахлоқий билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, инсоннинг муомала маданиятини шакллантириш, ижобий ҳис-туйғуларни ҳосил қилиш, хулқ-атвор меъёрларини амалга оширишда намуна бўлиш, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз нуқтаи-назари билан қараш, кундалик маънавий-ахлоқий қоида ва меъёрларга риоя қилиш, Ватан меҳри, Ватан туйғуси, Ватан қадри билан яшаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, уларни ардоқлаш, жамиятда соғлом маънавий-руҳий муҳитни яратиш ва такомиллаштиришга ўзининг амалий ҳиссасини қўшиш орқали жамият аъзоларига бахт келтириш, адолат, виждон, бурч, иймон-эътиқод, меҳр-мурувват, меҳр-шафқат, ўзаро ёрдам, инсонпарварлик, инсоф, диёнат каби ижобий сифатларни ўзида мужассам этган тушунчадир.

Диссертациянинг «**Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш методикаси**» деб номланган иккинчи бобида педагогик йўналишдаги фанларни интеграциялаш асосида бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни ҳақида фикр юритилган.

Талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси олий ўқув юртларининг бутун ўқув-тарбия тизимида шакллантирилади. Бу жараёнда педагогик йўналишдаги фанларнинг алоҳида ўрни бор. «Педагогика», «Педагогик маҳорат», «Касб педагогикаси», «Педагогик технологиялар» каби фанларнинг ўқитилиши, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун катта имкониятларни яратади. Мазкур фанлар бўйича бериладиган билимлар асосида ҳар томонлама ривожланиб, камол топган, фаол ҳаётий мавқеини эгаллаган, оммавий-сиёсий ишларни ташкил қила оладиган, ахлоқан пок, жисмонан баркамол, ақлан теран, ўз ихтисослиги бўйича чуқур назарий-амалий билимга ва маънавий-ахлоқий баркамолликка эга бўлган мутахассисни тарбиялаш учун имкониятлар мавжуд.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда педагогик йўналишдаги фанлардан машғулотлар олиб боришда, дарс учун

ўқув материалларини танлаш, ўқув мақсадларини аниқ белгилаш ўқитувчи ва талабаларнинг реал ўқув имкониятларини ҳисобга олиш, ўқув маълумотларини талаба онгига аниқ ва тез етказиб берувчи интерфаол метод ва воситаларни танлаш, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ўрганилаётган мавзу ёрдамида маънавий-ахлоқий тушунчаларни шакллантириш учун катта имкон яратади. Шунга асосан, биз, педагогик туркум фанлари дастурига киритилган мавзулар ва улар мазмунини талабалар онгига етказиш имконини берадиган қўшимча маълумотлар ёрдамида талабаларни «маънавий-ахлоқий тарбиялаш» га қаратилган фанлараро боғлиқлик асосида дарслар тизимини ишлаб чиқдик. Бунда биз мавзу ва маълумотларнинг қуйидаги хусусиятларига эътиборни қаратдик:


- мавзу ва маълумотларнинг замонавийлиги, долзарблиги, илмийлигига;
- талабаларнинг тайёргарлик даражаси, талаб ва эҳтиёжларини қондира олишига;
- ўқитувчи ва талаба муносабатини аниқ мақсад сари йўналтирилганлик даражасига;
- талабаларнинг таълимий ва тарбиявий имкониятларини ўстиришга ёрдам бера олиш қоидаларига асосландик.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қайд қилинишича, узлуксиз таълимни ислоҳ қилишда, кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришда, маънавий-маърифий ишлар асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки, ёш авлодни тарбиялашда маънавий-ахлоқий тарбия мезон қилиб олинмаса, тарбиявий ишлар самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Олий таълим муассасаларида ташкил қилинадиган маънавий-маърифий ишлар бўлажак касб таълими ўқитувчиларида қуйидаги сифатларни шаклланишига ёрдам беради:


- маънавий-маърифий ишлар ўқув ишларининг давоми бўлиб, талабалар маънавий-ахлоқий савиясини оширади;
- талабаларнинг маънавий-ахлоқий тушунчаларини кенгайтиради, мустаҳкамлайди, янгисини қўшади;
- талабаларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган ҳурматини оширади ва қизиқишларини ривожлантиради;
- талабаларнинг таълимий-тарбиявий фаолиятини оширади.

Маънавий-маърифий тадбирлар талабаларнинг ҳаётни тушунишга, уни чуқурроқ билишга, уларда билим, ишонч, эътиқод, дунёқарашларини, миллий мафкура, миллий истиқлол ғоясини шакллантиришга, уларда мустақиллик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, ижодкорлик, изланувчанлик, топқирлик, зукколик, ўз касбига садоқат каби хислатларни ўстиришга имкон яратади. Олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси ишлаб чиқилди (1-расм).



**1-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси.**

Касб таълими ўқитувчиси касб-хунар коллежида таълим-тарбия жараёнининг ташкилотчиси ва бошқарувчисидир. Унинг ўқувчиларга тарбиявий таъсири машғулотларда ва машғулотлардан ташқари вақтларда ўқувчилар билан муомалада бўлиш жараёнида амалга оширилади. Шунга асосан биз бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг схематик тузилмасини ишлаб чиқдик (2-расм).



2-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг схематик тузилиши

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг схематик тузилмасини ишлаб чиқиш зарурий ҳодисадир. Чунки тузилма таълим-тарбия жараёнларининг барча шакллари ўзаро боғлиқлигини таъминловчи, белгиланган мақсад ва вазифаларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат бўлган тизим сифатида тасвирланган бўлиб, тузилмада келтирилган компонентларнинг ҳар бири бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва ривожлантириш тизими компонентлари сифатида бутун бир тизимни ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарадорлик кўрсаткичлари**»га бағишланган. Мазкур бобда бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнининг самарадорлик даражалари кўрсатилди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашни таъминловчи асосий омиллардан бири, педагогик йўналишдаги фанларни ўқитиш жараёнини юқори савияга кўтаришдир. Олий ўқув юртларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган амалий ишларни ташкил этиш жараёнида мазкур ўқув юртларда фаолият олиб бораётган респондентлар ўртасида савол-жавоблар, давра суҳбатлари ҳамда сўровлар ўтказиш асосида тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Тадқиқот ишида олий таълимнинг «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш», «Электр энергетика», «Енгил саноат технологияси» касб таълими йўналишлари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш имкониятлари аниқланди.

Олий ўқув юртларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг маънавий-ахлоқий тайёргарлигини таъминлаш борасида ташкил этилган тажриба-синов ишларининг асосий мақсади – мазкур ўқув юртлари талабаларининг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасининг тажрибадан аввалги ва кейинги ҳолатини ўрганиш ҳамда уларда маънавий-ахлоқий сифатларни тўлақонли шаклланишига эришишдир.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида тажриба-синов ишларига таълим муассасалари, жумладан, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Қарши давлат университети, Жиззах политехника институти, Бухоро давлат университетидан жами 521 нафар талабалар жалб этилиб, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбия тўғрисидаги тушунчаларни билиши, унга муносабати борасидаги билимлари синалди. Талабалар тасодифий танлаш тамойилига мувофиқ тажриба ва назорат гуруҳларига биркитилдилар. Тажриба гуруҳларида маънавий-ахлоқий тарбия тўғрисидаги тушунчаларни ифодаловчи сўровнома ва улар билимини аниқлашга доир методика асосида иш кўрилди. Назорат гуруҳларида эса гарчи тадқиқот бошида тадқиқ

қилинаётган масала ҳақида умумий маълумотлар берилган бўлсада, тажриба гуруҳида нисбатан чуқурроқ ва атрофлича билимлар берилди.

Тажриба-синов ишларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг билимларни эгаллаш жараёнида уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялашда қуйидаги **мезонларга** асосландик:

1. Маънавият, маърифат, ахлоқ, тушунчаларининг мазмун-моҳиятини билиши.
2. Миллий маънавий меросимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш.
3. Мутафаккирларимиз ва уларнинг ижодини билиши.
4. Анъаналар, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш.
5. Инсонпарварлик ва адолатпарварлик туйғуларини шакллантириш.
6. Ватанга муҳаббат, Ватан олдидаги ижтимоий бурчни англаш.
7. Ўзаро ҳурмат, маънавий-ахлоқий сифатларни оширишга интилиши.
8. Меҳр-мурувват, саҳийлик, ўзаро ёрдам каби ҳислатларга муносабатни шакллантириш.
9. Жамият манфаати йўлида фаолият кўрсатиш ва маънавий-ахлоқий талабларини билиш.

Олий ўқув юртларида машғулотлар жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчилари маънавий-ахлоқий сифатларини технологик ёндашув имкониятларидан фойдаланган ҳолда шакллантириш, энг самарали усуллардан биридир. Технологик ёндашув асосида ташкил қилинган таълим-тарбия жараёни аввало, бўлажак касб таълими ўқитувчиси шахси маънавиятини ривожлантиришни таъминлашга хизмат қила олиши керак. Чунки таълим-тарбияда технологик ёндашувда ўқув-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзлаштириш қобилияти, ўқув маълумотларини баён қилувчиларнинг технологик-методик савиясининг ҳархиллиги, таълим-тарбия мазмунини, ўқув-тарбия материали турларининг хилма-хиллиги, уларнинг билим фаолиятининг, бир хилда намоён бўлмаслиги ва бошқа сабаблар тўсқинлик қилмайди.

Тадқиқот натижасида назорат гуруҳи маълумотлари тажриба гуруҳи маълумотлари билан қиёсланди. Қиёсий таҳлил юқорида таъкидланганидек, ўз-ўзини баҳолаш, рейтинг, тестлар, кузатиш, суҳбат, сўровнома, муаммоли вазиятлар яратиш методлари ёрдамида аниқланди. Қиёсий таҳлил, назорат гуруҳи натижалари аниқ мақсадга қаратилган тарбиявий ишлар натижалари тажриба-синов гуруҳлариникига қараганда анча паст бўлганлигини кўрсатди. Айниқса, тажриба охирида, яъни бўлажак касб таълими ўқитувчилари олий таълим муассасасини тугатаётган пайтда ижобий кўрсаткичлар берди. 32% талаба юқори натижа берди, назорат гуруҳида эса 18 % ни кўрсатди. Демак, тарбиявий таъсир тизими тажрибада самарали бўлиб чиққанлигини кўрсатади: агар тажриба бошида маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори даража кўрсаткич берган талабалар 14% бўлган бўлса, тажриба-синов сўнгида 32% ни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги маънавий-ахлоқий ривожланиш

жараёни ўзгармай қолган. Чунки мазкур гуруҳларда тарбиявий таъсир аниқ мақсад асосида эмас, умумий талаблар асосида олиб борилган. Назорат синфидаги талабаларда келажакка интилиш, иродавийлик, жўшқинлик, жасорат, ўзига нисбатан ишонч каби сифатлар етишмаган.

Тажриба гуруҳларида эса талабалар ўз олдиларига янги ҳаётий мақсадлар қўя олиб, ўзларида маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялай олдилар, шунингдек маънавий-ахлоқий онг ва ҳулқ-атворда юқори даражага эришиб, ўз-ўзини бошқариш малакасини ҳам эгаллаб олдилар.

Шундай қилиб, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг маънавий-ахлоқий тарбиялаш тажриба-синов ишлари самарали яқунига етди. Тажриба гуруҳлари иштирокчиларининг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаси юқори бўлиб, биз олиб борган методиканинг самарадорлигини тасдиқлади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг маънавий-ахлоқий тарбияланганлигини аниқлаш мақсадида ўтказган тажриба-синов ишларининг натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган:


**1-жадвал**

**Тажриба-синов натижалари кўрсаткичлари**

| Гуруҳлар | Талабалар сони | Билимларни ўзлаштириш даражаси |        |      |
|----------|----------------|--------------------------------|--------|------|
|          |                | юқори                          | ўртача | қуйи |
| Тажриба  | 264            | 89                             | 135    | 40   |
| Назорат  | 257            | 67                             | 82     | 108  |

Ушбу маълумотларни математик – статистик таҳлил қилиш учун Стъудент-Фишер методи танланди.

Тажриба-синов натижалари кўрсаткичлари диаграмма кўринишида 3-расмда акс эттирилган.



**3-расм. Бўлажак касб-таълими ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий тарбияланганлик натижалари.**

Полигонда қайд этилган графиклардан англанадики, тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари мос равишда  $M_T=5$  ва  $M_H=3$ , яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб,  $M_T > M_H$  экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам  $\bar{X} > \bar{Y}$  шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{264} (89 \cdot 5 + 135 \cdot 4 + 40 \cdot 3) = \frac{1}{264} (445 + 540 + 120) = \frac{1105}{264} = 4,1$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{257} (67 \cdot 5 + 82 \cdot 4 + 108 \cdot 3) = \frac{1}{257} (335 + 328 + 324) = \frac{987}{257} = 3,8$$

Демак, тажриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагидан катта экан:  $\bar{X} > \bar{Y}$

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум  $\bar{X} = 4,1$ ;  $\bar{Y} = 3,8$ ;  $\Delta_m = 0,03$ ;  $\Delta_H = 0,05$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycb} = \frac{\bar{X} - \Delta_m}{\bar{Y} + \Delta_H} = \frac{4,1 - 0,03}{3,8 + 0,05} = \frac{4,07}{3,85} = 1,06 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_H) = (4,1 - 0,03) - (3,8 - 0,05) = 4,07 - 3,75 = 0,32 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин.

Бундан тажриба гуруҳи натижалари назорат гуруҳидагилардан юқори эканлиги кўринади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий жиҳатдан тайёрлашга бағишланган назарий манбалар, тадқиқот ишларининг таҳлили, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш амалиёти, уларнинг иш фаолиятларини ҳар томонлама ўрганиш натижалари олий ўқув юртларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш ва бу тизимни назарий жиҳатдан асослаш

педагогика фани олдида турган долзарб муаммолардан бири эканлигини кўрсатди.

2. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг технологик тизимини ўзига хос педагогик-психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб берилди. Ушбу педагогик-психологик хусусиятлар, ёш касб таълими ўқитувчисига таълим-тарбия жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш, лойиҳалаштириш, ўқувчини ақлий, интеллектуал, жисмоний ҳамда маънавий-ахлоқий ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув топшириқларини танлаш имконини бериши аниқланди.

3. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёни кўп қиррали тизим бўлиб, у касб таълими ўқитувчилари тайёрлаш тизимининг мазмуни, шакли, воситалари, усул ва методлари, ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари, уларни субъект-субъект тартибида ташкил этиш йўллари, ўқитувчи маҳорати ва шахсий сифатларини камраб олади.

4. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнида ўқитувчининг маҳорати ва касбий кўникмалари алоҳида ўрин эгаллаб, уни шакллантириш учун таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

5. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда, аудиторияда ва аудиториядан ташқарида олиб бориладиган ишларнинг самарали шакл ва методлари танланди ҳамда улардан фойдаланишда таълим воситаларини қўллаш усуллари ишлаб чиқилди.

6. Педагогик йўналишдаги фанлар дастурига киритилган мавзулар ва уларнинг мазмунини талабалар онгига етказиш имконини берадиган кўшимча маълумотлар ёрдамида маънавий-ахлоқий тарбиялашга қаратилган фанлараро боғлиқлик асосида дарслар тизими ишлаб чиқилди. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда педагогик йўналишдаги фанларнинг имкониятлари катта эканлиги илмий асосланди.

7. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда таълим ва тарбия жараёни, ўқитувчи ҳамда ўқувчиларни биргаликдаги мулоқотга чорловчи дидактик ўйинлар, алоҳида аҳамият касб этиши аниқланди.

8. Тадқиқот юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишлари жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда маънавий-ахлоқий тарбиянинг муҳимлиги аниқланди.

Юқоридаги хулосаларга таянган ҳолда қуйидагиларни **тавсия** этамиз:

1. Олий ўқув юртларида педагогик йўналишдаги фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш орқали, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини кўтаришга эришиш.

2. Педагогик йўналишдаги фанларидан ахборот-кўргазмали материаллар яратиш, маърузалар матнларининг янги вариантларини замонавий технологиялар асосида бойитишга эришиш.

3. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришга оид илмий-услубий, оммабоп адабиётлар, электрон қўлланмалар мажмуасини яратиш, мазкур муаммога доир фундаментал илмий тадқиқот ишлари олиб бориш.

4. Касб таълими йўналишидаги олий ўқув юртларида ўқув-тарбия жараёнини илғор педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш орқали билимли, касб маҳоратига эга бўлган касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш.

## **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Азимова Н.Э. Касб-хунар коллежларида ёшларни касбга тайёрлаш // Замонавий илм фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммолари: Республика илмий амалий конференцияси тезислар тўплами. - Жиззах. 2004. - Б. 61-62.

2. Азимова Н.Э. Ўқувчиларни касбга йўллаш хусусида // Замонавийлик контекстида педагогика фани ва унинг методологик муаммолари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари.- Тошкент. 2005. - Б. 224-225.

3. Азимова Н.Э., Нормуродова Р.М. Педагог ва муҳандис педагогларнинг касбий сифатлари // Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг эҳтиёжига асосланган малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент. 2005. - Б. 32-33.

4. Азимова Н.Э. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг психологик жиҳатлари // Ўрта-махсус касб хунар тизимида замонавий ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларининг янги авлодни яратиш муаммолари: Республика илмий-амалий анжуманининг материаллари.- Бухоро. 2006. - Б. 84-85.

5. Азимова Н.Э. Баркамол авлод тарбиясида ўқитувчи касбига қўйиладиган талаблар // Баркамол ёшлар тарбияси тажриба, муаммо ва ечимлар: Ўқув-амалий семинар материаллари. – Бухоро. 2006. - Б. 15-16.

6. Азимова Н.Э. Шахснинг ривожланиши жараёнида янги педагогик технологияларнинг таъсир сабаби ва воситалари // Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида янги педагогик технологиялар: Муаммолар ва ечимлар. – Бухоро. 2006. - Б. 172-174.

7. Азимова Н.Э. Талаба ёшларнинг миллий – мафкуравий тарбиясини шакллантириш - ўқув жараёнининг таркибий қисми // Таълим тизимида талаба ёшларнинг ғоявий мафкуравий тарбияси ва уларнинг уйғунлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд. 2007. - Б. 69-71.

8. Узоқова Л., Одилова Н., Азимова Н.Э. Муаммоли амалий машғулот технологияси // Педагогик маҳорат.- Бухоро, 2008. - № 2.- Б. 20-23.
9. Олимов Ш.Ш., Азимова Н.Э. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда спортнинг ўрни // Касб-хунар таълими.- Тошкент, 2009. - №1.- Б.16.
10. Азимова Н.Э. Ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясида миллий анъаналар // Халқ таълими.- Тошкент, 2010. - № 6. – Б. 122-125.
11. Азимова Н.Э. Бўлажак муҳандис-педагогларга қўйиладиган педагогик талаблар // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2010. - № 6. – Б. 18-22.
12. Азимова Н.Э. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг модели // Меҳнат ва касб таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини таъминлашнинг интегратив технологиялари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент. 2010. - Б. 89-90.
13. Азимова Н.Э. Касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси. Монография – Т.: Фан, 2011. – 96 б.
14. Азимова Н.Э. Технология духовно-нравственного воспитания преподавателя профессионального образования в процессе обучения. // «Молодой учёный» ежемесячный научный журнал. 2011. № 5 (28) Том II. с. 117-118.
15. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчисини тарбиялаш методикаси. Услубий қўлланма. – Бухоро, 2012.- 23 б.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Н.Э.Азимованинг 13.00.08 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича “Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси” мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** Маънавият, маърифат, ахлоқ, маънавий-ахлоқий тарбия, касб таълими, ўқитувчи, педагогика, педагогик маҳорат, касбий педагогика, педагогик технологиялар, технология, мезон, самарадорлик.

**Тадқиқот объекти:** Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёни.

**Тадқиқот мақсади:** Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг назарий-методик асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга оид услубий тавсиялар яратиш.

**Тадқиқот методлари:** Сиёсий, фалсафий, тарихий, этнографик, педагогик, психологик ва маънавиятга оид илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш; педагогик кузатув, суҳбат, анкета сўровлари; тестлар, тажриба-синов; мониторинг, математик-статистик таҳлил; тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммоси яхлит тизимда илмий-педагогик жиҳатдан ўрганилганлиги, касб таълими ўқитувчисини шахси ва уларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш зарурати педагогик жиҳатдан таҳлил этилганлиги, бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни, шакл ва методлари ўқитувчиларга тавсия этилганлиги маънавий-ахлоқий тарбиялаш методикаси ишлаб чиқилганлиги, тажриба ишларида синовдан ўтказилганлиги, амалиётда қўллаш бўйича илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

**Амалий аҳамияти:** Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган умумпедагогик ва илмий-методик тавсиялардан узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида, педагогик йўналишдаги фанларни ўқитиш жараёнида ва уларни такомиллаштиришда, ўқув муассасаларида маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Тадқиқот натижалари муаллифнинг нашр этирилган 15 та илмий ишларида ўз аксини топган бўлиб, улар асосида ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялардан фойдаланилмоқда.

**Қўлланиш соҳаси:** Тадқиқот натижаларидан касб таълими йўналишидаги олий таълим муассасалари, касб таълими ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида кенг қўлланилади.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Н.Э.Азимовой на тему: «Технология духовно-нравственного воспитания будущего преподавателя профессионального образования» на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.08 - Теория и методика профессионального образования.

**Ключевые слова:** духовность, просвещение, нравственность, духовно-нравственное воспитание, профессиональное образование, преподаватель, педагогика, педагогическое мастерство, профессиональная педагогика, педагогические технологии, норма, результативность.

**Объект исследования:** процесс духовно-нравственного воспитания будущего преподавателя профессионального образования.

**Цель работы:** теоретическое обоснование и создание методических рекомендаций по духовно-нравственного воспитания будущего преподавателя профессионального образования.

**Методы исследования:** политический, философский, исторический, этнографический, педагогический, сравнительно-критический анализ литературы, педагогическое наблюдение, беседа, анкетные опросники, тесты, эксперимент, мониторинг, математико-статистический анализ, обобщение результатов исследования.

**Полученные результаты и их новизна:** изученность вопроса духовно-нравственного воспитания будущего преподавателя профессионального образования с научно-педагогической точки зрения, педагогический анализ личности преподавателя профессионального образования и необходимости духовно-нравственного воспитания, определение теоретических основ и смысла, форм и методов духовно-нравственного воспитания будущего преподавателя профессионального образования, разработка методики духовно-нравственного воспитания, проведение испытаний основываются выработкой научного заключения и руководств по практическому применению.

**Практическая значимость:** общепедагогические и научно-методические руководства разработанные в процессе исследования могут быть использованы во всех звеньях системы образования, в процессе обучения и совершенствования педагогических наук, при реализации духовно-нравственной деятельности в учебных учреждениях.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования отразились в 15 изданных научных работах автора и созданные на их основе научно-методические руководства широко используются.

**Область применения:** результаты исследования применяются в ВУЗах профессионального образования, институтах переподготовки и повышения квалификации преподавателей профессионального образования.

## RESUME

Thesis of N.E.Azimova on the scientific degree competition of the candidate of sciences in of pedagogical sciences on speciality 13.00.08 - the technique and theory of vocational training on a theme subject «Technology of spiritually-moral education of the future teacher of vocational training»

**Key words:** spirituality, education, morals, spiritually-moral education, vocational training, the teacher, pedagogics, pedagogical skill, professional pedagogics, pedagogical technologies, technology, norm, productivity.

**Subjects of research:** Process of spiritually-moral education of the future teacher of vocational training.

**Purpose of work:** The theoretical substantiation and creation of methodical manuals about spiritually-moral education of the future teacher of vocational training.

**Methods of research:** political, philosophical, historical, ethnographic, pedagogical, psychological, comparative and critical research of the scientific methodical literature on spirituality, analyze, pedagogical observing, interview, questionnaires, tests, monitoring, the mathematical-statistical analysis, generalization of the results of research.

**The results obtained and their novelty:** The level of scrutiny of the question of spiritually-moral education of the future teacher of vocational training from the scientific and pedagogical point of view, the pedagogical analysis of the person of the teacher of vocational training and necessity of spiritually-moral education, the manuals for teachers of theoretical bases and sense, forms and methods of spiritually-moral education of the future teacher of vocational training, working out of a technique of spiritually-moral education, carrying out of tests are based on creation of the scientific conclusion and manuals about practical application.

**Practical value:** General pedagogical and scientifically-methodical manuals made in the course of research can be used in all links of education system, in the course of training and perfection of pedagogical sciences, in realisation of spiritually-moral activity in educational institutions.

**Degree of embed and economic effectivity:** Results of research were reflected in 15 published scientific works of the author and the scientifically-methodical manuals, created on their basis are widely used.

**Field of application:** Results of research are applied in high schools of vocational training, institutes of retraining and improvement of professional skill of teachers of vocational training, students of higher educational institutions.